Grusse eron manbalariga tayanib, Baqtradagi Kidariylarni sosoniylar u yerdan quvib chiqarganini yozar ekan, xitoy manbalaridan foydalanib ularni eftaliylar quvib chiqargani haqidagi xulosaga keladi. Xitoy manbalarida yozilishicha, 436-451-yillarda Balxdagi yuechjilar eftaliylar bosimi ostida Gandharaga chekinishga majbur bo'ldi va Peshovarda joylashdi. U yerda ular Kobuldagi yuechjilarni o'ziga qaram qildi. Bu ishni qilgan qirol esa xitoy manbalarida Ki-to-lo deyilgan. Bu Kidariylarning mashhur hukmdori Kidaradir, deydi Grusse. Demak, aynan Eftaliylar Kidariylarni Baqtriyadan siqib chiqargan. Ular dastlab Kobulga chekingan bo'lsa, keyinchalik eftaliylarning yurishi natijasida Hindikushni ham oshib o'tadi. Eftaliylar esa ularni taqib qilib boraverdi. Yuechjilarning yirik markazlari Kobul, Qandahor va Baqtra (Balx) eftaliylar qo'liga o'tdi [11:113].

MUHOKAMA

Shundan keyin Grusse Eftaliylarning Hindiston sari yurishlariga o'tadi[11:113]. Eftaliylarning Hindistondagi Gupta davlatiga yurishlariga Kobulda hukmronlik qiladigan tegin boshchilik qilgan. Kobul vodiysi eftaliylarning hind yurishlariga asosiy ba'za bo'lib xizmat qilgan. Grussening De Gindan yana bir farqi (aslida ikkisi ham farqli ma'lumotlar bergan) shuki, u eftaliy hukmdorlarining hind vodiysidagi salbiy ishlarini ham keltirgan. Grusse eftaliylarni boy madaniy markaz Gandharada varvarlik namoyish etgani, mahalliy xalqni qatliom qilgani, buddaviy jamoalarni yo'q qilgani, ibodatxonalarni buzganini, san'at asarlarini vayron etgani va besh asrlik yunon-buddaviy madaniyatini xonavayron qilgan deb ta'riflaydi[11:113]. Xitoylik buddaviy rohib 520-yilda Eftaliylar yurtiga safari xotiralarida eftaliylarni sof ko'chmanchilar deb ta'riflaydi. Baqtriya hukmdorlarning qishgi qarorgohi bo'lsa, Badaxshon yozda o'tiradigan shahar hisoblangan. Umuman olganda, Grusse Hindistondagi eftaliylarni VII asrning ikkinchi yarmida tarix sahnasidan ketganini aytarkan, ularning ayrim guruhlarini hindu aristokratiyasiga qo'shilib ketganini qo'shimcha qiladi. Gujarat rajputlarining kelib chiqishi, eftaliylardan bo'lishi mumkin deya xulosa qiladi Grusse[11:116].

Eftaliylar haqidagi zamonaviy tadqiqotlar ancha fundamental xarakterga ega. Bu borada Etien Delavesyerning maqolalarini alohida ta'kidlash lozim. Uning maqolalari, asosan, eftaliylarning kimligi va kelib chiqishiga bag'ishlangan. "Huns et Xiongnu" maqolasida hunlar va xiongnu qabilasining o'zaro aloqalarini tahlil qilar ekan, Delavesyer Eftaliylarni hunlardan ekanini va ular Markaziy Osiyoga IV asrning 60-yillaridan keyin ko'chib kelganini ta'kidlaydi[5:3-25119,132]. Ularning kelib o'rnatilgan hududlarini esa Markaziy Osiyoning janubi deb ko'rsatadi. Bu esa Grussening yozganlariga to'liq mos tushadi. Ya'ni Grusseda eftaliylar hukmdorining qarorgohlari Balx va Badaxshon deb ko'rsatiladi. Delavesyerning "Is There a "Nationality of the Hephtalites"? (Eftaliylarning millati bormi?) maqolasida esa bundanda qiziq faktlarga va xulosalarga duch kelish mumkin. Ushbu maqolada Delavesyer yaponiyalik tarixchi, Tokio universiteti professori Kazuo Enokining eftaliylarning kelib chiqishiga oid fikrlariga va

xulosalariga kuchli va asosli raddiyalar beradi. Enoki o'zining 1959-yilda e'lon qilgan "On the Nationality of the Eptalites" nomli maqolasida eftaliylarni mahalliy kelib chiqishga ega ekanligini yozgan. Garchand, bu maqola eftaliylar kelib chiqishi haqidagi bazaviy ish bo'lsada, u asosan geografiya va ba'zi eroni nomlar mavjudligiga asoslangan. Shuningdek, Xitoy manbalarida poliandriyaning eftaliylar udumi ekanligiga ham asoslangan[6:119-132].

Delavesyer esa olimning bu qarashlariga qo'shilmaydi va maqolada Xitoy va Vizantiya manbalaridan foydalanib eftaliylar kelib chiqishiga oid o'z xulosalarini beradi. Xitoy manbalariga asoslanib turib, u eftaliylarning asl vatanlarini Oltoy tog'lari hududlari deydi. Ularning Markaziy Osiyoga ko'chishini ham 360-370-yillar orasida deb xulosa beradi[6:119-132]. Bunda yana bir nuqtaga e'tibor qaratgan Delavesyer migratsiya jarayoni faqat shu davrda ommaviy tarzda sodir bo'lganini va bu tadrijiy davom etmaganini keltiradi. Ya'ni Markaziy Osiyoga kelgan ko'chmanchi qabilalar bir paytda kelgan va birin-ketin o'rin almashib hukmronlik qilgan. Eftaliylar IV asrning ikkinchi yarmida Markaziy Osiyoga ko'chib kelgan bo'lsada, hokimiyatga V asrda ega bo'lgan, ungacha Kidariylar hukmronligi ostida yashagan.

Eftaliylar siyosiy hayoti va yashash tarzi bilan bog'liq ma'lumotlar ham diqqatga sazovor. Bu haqdagi ma'lumotlarni Delavesyer Vizantiya manbalaridan olgan. Prokopiylar keltirgan 530 yoki 540-yilgi ma'lumotda Eftaliylar poytaxti sifatida Gorgo (inglizcha matnda shunday kelgan, ta'riflarga ko'ra bu shaharni Jurjon shahri deb o'yladik) shahri keltiriladi[6:119-132]. Bu ma'lumotlar Xitoy sayyohlari keltirgan ma'lumotlardan farq qiladi. Bundan shunday xulosaga kelish mumkinki, Eftaliylarda poytaxtlar bir nechta bo'lgan va vaziyat hamda iqlimga qarab o'zgarib turgan.

Yana bir muhim jihat ularning hayot tarziga ham tegishli. Delavesyer Eftaliylarning o'troq aholi bilan aralashuvini eng yirik muammolardan biri sifatida ko'radi. Menanderdan keltirilgan So'g'd elchisining Vizantiya imperatoriga bergan ma'lumotlariga asoslangan Delavesyer Eftaliylar hukmronligining so'ngiga borib urbanizatsiyalashganligini qayd etadi. Delavesyer xulosasidagi muhim nuqta shuki, u Enoki ta'kidlaganidek, Eftaliylarni mahalliy emas, balki ko'chib kelgan subyekt sifatida ko'radi va ular tarixini va ular haqidagi manbalarni tushunishda etnik jihat yordam bermasligini ta'kidlaydi. Shuningdek, Eftaliylar, Kidariylar va Xioniylarni farqlashda til yoki etnik jihatga emas, siyosiy jihatga e'tibor berish kerak, deb hisoblaydi[6:119-132].

XULOSA

Eftaliylar davri bo'yicha fransuz tarixshunosligida amalga oshirilgan tadqiqotlar xususida xulosa qiladigan bo'lsak, yuqorida ko'rganimizdek bunday tadqiqotlarni ko'p deb bo'lmaydi. Ammo borlarini tahlil qilish jarayonida bir qancha xulosalar oldik.

Birinchidan, ilk tadqiqotlar klassik tarixchilik shaklida yozilgan bo'lib, ular asosan umumiy tarix shaklidagi tadqiqotlardan o'rin olgan. Ma'lumotlar ham asosan siyosiy tarixga bag'ishlangan. Davlat hukmdorlari, ularning yillari va janglar asosiy o'ringa qo'yilgan. Shuningdek, tashqi aloqalar, savdo borasida ham ayrim ma'lumotlarni ko'rish mumkin. Zamonaviy tadqiqotlarda esa ko'proq ularning etnik masalasi, tili, kelib chiqishi bilan bog'liq, ijtimoiy hayot, yashash tarziga doir ma'lumotlar asosiy o'rin egallaydi.

Ikkinchidan, manbalardan foydalanishda ham ikki davr tadqiqotlarida farqlar borligini ko'rishimiz mumkin. De Gin ham, Grusse ham, asosan, tarjima manbalardan foydalangan bo'lsa, Delavesyerning tadqiqotlarida asl manbalardan foydalanish ustunlik qiladi. Degin qirollik kutubxonasidagi tarjima manbalardan foydalangan, Grusseda esa Pol Peliot hamda Edvard Shavanlar asosiy manba sifatida keltiriladi.

Uchinchidan, Eftaliylarning etnik kelib chiqishini, Enoki yoki boshqa sovet davridagi olimlar kabi mahalliy eroniy xalqlardan emas, balki Oltoydan ko'chib kelgan ko'chmanchi qabilalardan ekaniga ham guvoh bo'ldik. Buni Delavesyer bir qator Xitoy manbalaridan foydalanib tasdiqlagan.

Eftaliylar davri bilan bog'liq tadqiqotlar hali juda kam, lekin shunga qaramay, fransiyalik olimlarning tadqiqotlari Eftaliylar haqidagi yangi qarashlarni ilgari surgan tadqiqotlar sifatida qimmatlidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Cahun, Léon. Auteur du texte. Introduction à l'histoire de l'Asie : Turcs et Mongols, des origines à 1405, Paris, Armand Colin et C. 1896
2. Chavannes, Edouard. Documents sur les Tou-kiue (Turcs) occidentaux, St Pétersbourg, Edition de l'Académie des sciences impériale, 1903
3. Chochoy, Matthieu. Joseph de Guignes et l'Histoire générale des Huns, des Turcs, des Mogols et des autres Tartares occidentaux (1756-1758) ou comment écrire une histoire universelle des Tartares au XVIIIe siècle, Études mongoles et sibériennes, centrasiatiques et tibétaines [En ligne], 51 | 2020, mis en ligne le 09 décembre 2020, consulté le 13 juillet 2021. URL : <http://journals.openedition.org/emscat/4507> ; DOI : <https://doi.org/10.4000/emscat.4507>
4. De Guignes Joseph. *L'Histoire des Huns, des Turcs, des Mogols et autres Tartares*, Paris, Desaint et Saillant, 1756-1758, 4 t. en 5 vol.
5. De la Vaissière, Etienne. Huns et Xiongnu, Central Asiatic Journal, International periodical for the Languages, Literature, History and Archeology of Central Asia, 49/1, 2005
6. De la Vaissière, Etienne. Is there any 'Nationality of the Ephthalites?', in M. Ghose, Hepthalites, Bulletin of the Asia institute, 17, 2007, p. 119-137.
7. Enoki, Kazuo. (1959). "On the Nationality of Ephthalites". *Memoirs of the Research Department of the Toyo Bunko*. Vol. 18. Tokyo. pp. 1–58. Retrieved 1 April 2017.
8. Ghirshman, Roman. *Les Chionites-Hephtalites*, Le Caire, 1948 (Mémoires de la Délégation archéologique française en Afghanistan, vol. XIII)
9. Grenet, Frantz; Riboud, Pénélope. "A Reflection of the Hephthalite Empire: The Biographical Narrative in the Reliefs of the Tomb of the Sabao Wirkak (494-579)". *Bulletin of the Asia Institute*. 2003, 17: 141–142.
10. Grenet, Frantz. "Regional interaction in Central Asia and Northwest India in the Kidarite and Hephtalite periods", dans Indo-Iranian languages and peoples, ed. N. Sims-Williams (Proceedings of the British Academy, 116), Oxford, 2002, pp. 203-224.
11. Grousset, René. Empires des steppes. Attila, Gengis-Khan, Tamerlan, Paris, Payot 1965, 4^{ème} édition.
12. Тер-Мкртчян Л. Х.. Армянские источники о Средней Азии. V—VII вв. Наука, 1979.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ТУРКЛАР ЖАМИЯТИДА АЁЛЛАРНИНГ РОЛИ

Асанов Эльдар Энверович, PhD

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази,
Тошкент, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8387647>

Аннотация: Ушбу мақолада илк ўрта асрларда ғарбий турклар жамиятида аёлларнинг роли муҳокама қилинади. Таҳлил ва қиёс учун бошқа қадимги турк жамиятларига оид материал жалб қилинди. Шунинг асосида қилинган хулосага кўра, ғарбий турклар типик патриархал жамиятда яшаган бўлса ҳам, юқори ва ўрта табақага мансуб аёллар маълум ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирок этган ва юқори ижтимоий мақом қозониш имкониятига эга бўлган.

Калит сўзлар: ғарбий турклар, қадимги турк жамиятлари, аёллар, ижтимоий мақом, гендер роллар, сиёсий никоҳ, легитимация, турк-рун битиклари.

О РОЛИ ЖЕНЩИН В ОБЩЕСТВЕ ЗАПАДНЫХ ТЮРКОВ В РАННЕМ СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

Аннотация: В данной статье обсуждается роль женщин в обществе западных тюрок в раннем средневековье. Для анализа и сравнения был привлечен материал, относящийся к другим древнетюркским обществам. На этой основе делается вывод, что, хотя западные тюрки жили в типичном патриархальном обществе, женщины из высшей и средней слоев участвовали в определенных общественных и политических процессах и имели возможность завоевания высокого социального статуса.

Ключевые слова: западные тюрки, древнетюркские общества, женщины, социальный статус, гендерные роли, политический брак, легитимация, тюрко-рунические надписи.

THE ROLE OF WOMEN IN THE SOCIETY OF WESTERN TURKS IN EARLY MIDDLE AGES

Abstract: This article discusses the role of women in Western Turkic society in the early Middle Ages. For analysis and comparison, material related to other ancient Turkic societies was involved. Based on this, it can be concluded that although Western Turks lived in a typical patriarchal society, upper and middle-class women participated in certain social and political processes and had the opportunity to gain a high social status.

Keywords: Western Turks, ancient Turkic societies, women, social status, gender roles, political marriage, legitimation, Turko-runic inscriptions.

КИРИШ

Тадқиқотларда одатда қадимги турклар жамиятида аёллар катта ўрин тутгани таъкидланади. Бунда асосан ёзма манбаларда қайд қилинган, кўпроқ ҳукмрон қатлам билан боғлиқ фактлар асос сифатида келтирилади. Жумладан, *Билга хоқон* битиктошида унинг отаси, марҳум Элтариш хоқон билан бир қаторда онаси *Элбилга хотун* тилга олинади [13: 65]. *Ғ. Бобоёров* эса араб географларининг китобларида *Чоч* вилоятида “ҳукмдор шаҳри” – *Жабғукат* яқинида *Хотункат* (“малика шаҳри”) номли шаҳар бўлганини келтириб, бу шаҳарнинг вужудга келиши ва номланишини “қадимги туркий анъана – давлат

бошқарувида бош ҳукмдор – хоқон билан биргаликда, доимо унинг аёли хотун унвонли малика жой олиши анъанаси” билан боғлайди [2: 241]. Қолаверса, Ғарбий турк хоқонлигида истеъморда бўлган сўғд ёзувли тангаларда ҳукмдор билан бир қаторда малика тасвирлангани ҳамда хотун унвони битилгани маълум [9: 55–61]. Кофирқалъадан топилган, хотун унвони туширилган муҳрдан келиб чиқадиган бўлсак [8: 67–74], ҳукмдор табақага мансуб аёллар ҳатто ўз муҳрларига эга бўлгани, яъни ҳужжат чиқариш ёки тасдиқлаш ваколатига эга бўлгани ҳақида ҳулоса қилиш мумкин. Битиктошлар ҳамда нумизматик материалдан ташқари, расмий ҳужжатларда ҳам ҳукмрон мавқега эга аёллар тилга олинади. Жумладан, Тохаристон ҳудудига оид бақтр тилидаги ҳужжатлардан “Кадагистон бекаси”, “турк маликаси” деб аталган *Баг-азияс Қутлуғ Танағлиг Билга Савуғ* исмли ана шундай ҳукмдор аёл ҳақида биламиз [9: 55–61].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шу билан бирга, қадимги турклар жамиятида аёллар тутган ўринни баъзида ортик даражада юқори баҳолаб юбориш ҳолатлари кузатилади деб ўйлаймиз. Кўп тадқиқотчилар исломгача бўлган турклардаги гендер иерархияни таҳлил қилиб, ушбу жамиятларда аёлларнинг роли ислом давридагига нисбатан юқорироқлигини таъкидлайди. Шу билан бирга, илк ўрта асрлар турк жамиятлари ҳам, ўша даврда бутун Евросиёда кузатилганидек, анъанавий патриархал тузумда бўлганини, эркакларнинг ижтимоий фаоллиги ва жамиятдаги ўрни аёлларга нисбатан бекиёс даражада юқори бўлганини кўрсатувчи кўплаб далиллар мавжуд.

Юқорида келтирилган фактларнинг айримларини таҳлил қилсак, аслида туркларда аёллар бошқа жамиятлардаги ролларда бўлгани англашилади. Бир нарсани олдиндан айтиб ўтиш жоиз – бизга қадар етиб келган, гендер тадқиқотларга жалб қилса бўладиган маълумотларнинг аксарияти туркларнинг ҳукмрон, аслзода қатламга оиддир. Биз бошқа қатламларга мансуб, “оддий” туркларда аёллар қандай ижтимоий мақомда бўлгани ҳақида жуда умумий тасаввурга эгамиз – бу жараёнларнинг умумий картинасини археологик ёдгорликлар таҳлилидан, ёзма манбалардаги маиший характерга эга айрим маълумотлардан реконструкция қилишимиз мумкин. Шулар асосида шаклланган дастлабки тасаввурга кўра, ўрта қатламда аёллар асосан хўжалик ишлари билан ҳамда фарзанд тарбияси билан банд бўлган, эркаклар эса ҳарбий хизматга ва бошқа турли ишларга жалб этилган.

Юқори табақага мансуб аёллар эса маълум мавқега эга бўлган ёхуд турли сабабларга кўра ҳокимиятга, давлат бошқарувида эришиш имкониятига эга бўлган. Билга хоқон стеласида марҳум хоқоннинг рафиқаси, амалдаги хоқоннинг онаси Элбилга хотун тилга олиниши бу аёл эрининг ўлимидан сўнг давлат бошқарувида иштирок этган, саройда юқори мақомни эгаллаган ва, қолаверса, ўғлига таъсир ўтказиш кучига эга бўлганидан далолат бериши мумкин.

Ғарбий турк хоқонлиги тангаларида, муҳрларида ва ҳужжатларида тилга олинган маликаларга келсак, буни Ғ. Бобоёровнинг ўзи яхши тушунтирган. Унга кўра, *Тун ябғу хоқон* майда ҳокимликлар устидан назоратни кучайтириш мақсадида ҳокимлар ҳузурига ўз вакиллари – *тудунларни* юборган. Эслатиб ўтамиз, унгача марказий ҳокимият кўпроқ солиқ йиғиш билан чекланиб, вилоятларнинг ички бошқарувида аралашмаган. Тудунлар юборишдан ташқари, Тун ябғу хоқон ўз фарзандларини ҳам вилоятлар бошқарувида жалб қилган. Жумладан, 27 та майда ҳокимликни бирлаштирувчи, айти пайтда Сосонийлар билан чегарада жойлашган ва шу сабабли стратегик аҳамиятга эга бўлган Тохаристон ўлкаси бошқарувини ўғли *Тарду шадга* топширган. Ниҳоят, баъзи бир энг йирик ва нуфузли

хокимликларда таъсирини кучайтириш мақсадида Самарқанд ҳоқимига ўз қизини узатган ва, хитой йилномаларига кўра, шу орқали амалда Самарқандни ўзига бўйсундирган [2: 10–11].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Хотун тилга олинадиган танга ва муҳрларнинг катта қисми Сўғд ҳудудига тўғри келиши ҳам бежиз эмас: хоқонлик сулоласи вакиласи бўлган аёллар, табиийки, вилоят даражасида катта мавқега эга бўлган ва турмуш ўртоғи бўлмиш маҳаллий ҳоқимнинг легитимлигини оширган, шу боис уларнинг исмлари, унвонлари ҳужжатларда ва тангаларда акс этган. Бу аслзода аёллар реал бошқарувда қай даражада иштирок этганини баҳолашга ёрдам берадиган манбалар – солномалар, расмий ҳужжатлар етиб келмаган.

Қолаверса, бу ўринда биз аслзода хонадонга мансуб қизлар типик патриархал муносабатларда бўладиган функцияни бажараётганига гувоҳ бўляпмиз: улар турли хонадонлар ўртасида қариндошлик ришталарини, улар орқали эса иттифокни ўрнатиш мақсадида турмушга берилган. Бундай ролдаги маликалар ёки аслзода аёллар ўзининг тақдирини ўзи белгилай олмагани ва амалда катта сиёсат қўлида легитимлик айирбошлаш воситаси бўлганини тан олиш керак.

Умуман, сиёсий никоҳлар турк хоқонликларида кенг тарқалган амалиёт бўлган. Бундай никоҳлар одатда турли давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган. Жумладан, *Истами хоқон* эфталларга қарши курашда *Сосонийлар* билан тузилган иттифокни мустаҳкамлаш мақсадида форс шоҳи *Хусрав I Ануширвонга* қизини узатган. Юқорида тилга олинган Тун ябғу хоқон яна бир қизини Сосонийларнинг замондош ҳукмдори *Хусрав II Парвизга* узатган. Шунингдек, у хитой маликасига уйланиш учун *Хитой* императорига элчи юборгани, *Византия* императори *Ираклий* билан *Кавказда* учрашганида эса император унга қизини беришни ваъда қилгани маълум [2: 11]. Билга хоқон битигида унинг тилидан *Тургаш* хоқонига қизини каттакон тўй уюштириб узатгани, унинг қизини эса ўз ўғлига олиб бергани айтилади. Шу йўл билан у тургашларни амалда бўйсундирган, ўша матнда айтилганидек, “бошлиларнинг бошини эгдирган” [13: 61].

Маликаларнинг мавқеи ҳақида хулоса қилишга имкон берадиган яна бир диққатга сазовор жиҳат мавжуд. Шарқий турк хоқонлиги пойтахтида, туркларнинг энг олийнасаблари шарафига ўрнатилган монументал стелаларнинг барчаси эркакларга бағишланган. Улар орасида, хоқонлардан ташқари, уларнинг энг яқин ёрдамчилари, вазирлари ва саркардалари бор (масалан, *Тўньюк* ва *Култегин*). Култегин хоқоннинг укаси ва амалда мамлакатни Билга хоқон билан бирга бошқарга, жангларда қаҳрамонлик кўрсатган машҳур саркарда сифатида йирик фигура бўлгани боис унга истисно тариқасида битиктош аталган деб ҳисоблаш мумкин. Элтариш хоқон ва *Қапаган хоқонларнинг* укаси бўлмиш *Элэтмиш ябғу* шарафига ўрнатилган *Онгин* стеласини ҳам шу билан тушунтириш мумкин. Аммо *Ашина* хонадонига мансуб бўлмаган *Тўньюк*, *Кули чур* сингари давлат арбоблари ҳам ўз битиктошларига эга эканини инобатга олсак, ҳукмрон қатламга мансуб аёллар роли улардан пастроқ баҳоланган, деган хулосага келиш мумкин. Демак, хоқонликда энг юқори мавқеи хоқондан сўнг унинг яқин эркак қариндошлари, энг йирик амалдор ва саркардалар эгаллаган, аёллар эса улардан кейинги ролларда бўлган ва ҳарқалай уларга атаб битиктош тикиш анъанаси мавжуд бўлмаган.

Масалани Ўрта Осиё битиклари контекстида кўриб чиқадиган бўлсак, ғарбий туркларда ҳам шунга ўхшаш иерархия сақланганини кузатиш мумкин. Тўғри, бу битиклар олийнасаб ҳукмдорлар ва уларга бевосита хизмат қилувчи йирик амалдорларга эмас,

қуйироқ табақага – ҳарбий зобитлар ва маҳаллий даражадаги аристократияга оид. Аммо бу ижтимоий қатламларда ҳам гендер роллар юқорида таърифланган ҳолатни такрорлайди: битиктошларнинг барчаси эркакларга атаб ўрнатилган.

Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг турк жамиятларида аёллар ислом давридагига нисбатан юқорироқ ўринга эга бўлгани ҳақидаги хулосага қўшилиш керак. Улар эса олинмайдиган, овози эшитилмайдиган субалтерн ҳолатида бўлмаган. Ёзма манбалар уларни тилга олади, контекст эса манбанинг характериға қараб ўзгаради. Айтайлик, йирик монументал битикларда аёллар сиёсий жараёнларнинг актори сифатида гавланади. Хоқонларнинг қизлари ўз тақдирини ўзи белгилай олмайдиган легитимация қуроли бўлса, Элбилга хотун, Қутлуғ Тапағлиғ Билга Савуғлар эса, аксинча, бошқарувда ҳам бевосита иштирок этадиган нуфуз соҳибалари сифатида тилга олинади. Ўрта аристократ ва ҳарбий қатлам ҳаётидан дарак берувчи ёзувларда аёлларнинг яқин қариндошлар, оила аъзолари сифатида тилга олинади. Бир сўз билан айтганда, қадимги турклар ҳаёти типик патриархал социум хусусиятларини намоён этса-да, аёллар бу жамиятнинг кўздан панада сақланадиган пассив иштирокчилари бўлмаган, балки сиёсий ва ижтимоий муносабатларда қатнашган, баъзида эса ҳатто бундай муносабатларни қуришда муҳим роль ўйнаган.

Аёллар оилаларда анча юқори мавқега эга бўлганини ва ардоқланганини кўрсатувчи диққатга сазовор бир деталга тўхталиб ўтсак. Талас-1 матнида марҳумнинг рафиқасига нисбатан *qatun* “малика” сўзи ишлатилади: *Qatuni Yāšinü anta tuli qalmış* “Хотини Яшину шунда тул қолди” [11: 47].

Бу матнни таҳлил қилиш жараёнида биз дастлаб Ғарбий турк хоқонлигида тарқалган қадимги турк тилида *qatun* лексемаси бугунгига яқин “хотин, рафиқа, турмуш ўртоғи” маъноларига келиб қолган, деган фикрга борган эдик [1: 90]. “Балки бу битиктош олийнасаб хонадон вакилига тегишлидир ёки рафиқаси ҳукмдор оиладандир” деган тушунтиришни қабул қилмаслигимизнинг сабаби ўз хотинига нисбатан шундай мурожаат бошқа Талас битикларида ҳам учраши эди: *Qutluğ ärän äsiz oğlan çur ulayu qalmış qatuni qara tul qalmış* “Ортида қутлуғ эрлар ва Чурнинг азиз ўғли қолди. Хотини қора тул бўлиб қолди” (Талас-4); *Alinç armış qatun oğul yurçı äsiz* “Алинч чарчади. Хотини, ўғли, қайниниси қадрли” (Талас-5) [11: 100].

Аммо кейинги кузатишлар рафиқасига “маликам” деб мурожаат қилиш қадимги туркларда кенг тарқалган одат эканини тасдиқлади. Талас матнларида бу маънода *qatun* лексемаси ишлатилган бўлса, Енисей корпусига мансуб *Барик III* битигида *qunçuy* “малика [4: 466]” эпитетидан фойдаланилади: *Quyda qunçuyumğaqa özdä oğlumqa adıriltım* [12: 35]. Бундай мурожаатлар индивидуал эмас, кўп ўринларда учрашини муайян оилаларнинг ўзаро мулоқот кўникмалари билан тушунтириб бўлмайди; афтидан, рафиқасига мурожаат қилишнинг ўзига хос маданияти бўлган.

Бундан ташқари, битиклар коммеморантларининг рафиқалари қуйидаги лексемалар билан ифодаланади: *yutuz* “хотин, рафиқа” (нисбатан кенг қўлланади) ва *kīši* “хотин, аёл” (Талас-13). Қадимги туркий тилда *kīši* (Ўрхун битиктошлари тилида *kisi* шакли ҳам учрайди) сўзи кўпроқ “эркак, одам” маъносида қўлланади [4: 310], аёллар эса *tīši* деб аталади [4: 563]. Аммо кўриляётган лексеманинг иккинчи маъносини ҳам паст частотали ёки диалектизм деб бўлмайди, негаки у кейинги давр манбалари, хусусан, “*Девону луготит-турк*”да ҳам шу маънода келтирилади [7: 339–340].

Шунингдек, бир неча матнда марҳумларнинг рафиқалари *tuli* “тул” деб аталади.

Ёдномаларда, рафикадан ташқари, марҳумнинг аёл қариндошларидан қуйидагилар эсга олинади: *ana* “она”, *qiz* “қиз”, *oʻguz* “келин”. Хотин, она ва қиз яқин, қондош қариндошлар ҳисоблангани боис тилга олиб ўтилиши тушунарли, аммо келин ҳам бу рўйхатга киргани биз учун бироз қутилмаган ҳолат бўлди. Келин эсга олинган матн – *Талас-2* битиктоши коммеморантининг келини бирор нуфузли оиладан бўлган ва уни қариндошлар рўйхатида келтириш марҳумга қўшимча ижтимоий салмоқ берган, деб тахмин қилиш мумкин. Нуфузли хонадонлардан олинган келинлар ижтимоий мақомни кўтариши мумкин бўлгани ҳақида юқорироқда фикр юритган эдик. Бу тахминни асосли деб ҳисобласак, ҳукмрон табақа орасида урф бўлган ижтимоий нуфуз қозониш амалиётлари (тангаларда хоқоннинг қизи бўлмиш “хотун”лар тилга олинганини эсланг) улардан қуйироқ аристократия орасида ҳам кенг қўлланилган – сиёсий (бу ўринда ижтимоий десак анироқ бўлади) никоҳлар тузилган ва улардан ўз қатлами доирасида обрў қозонишда фойдаланилган, деган хулоса қилиш мумкин.

Тахминимизни қувватлайдиган бир кичик деталь бор. *Р. Алимовнинг* таржимасига таянадган бўлсак, *Талас-2* да катта эҳтимол билан келиннинг исми келтирилади; афсуски, матннинг ўша қисми зарарланган бўлиб, исми аниқ ўқиб бўлмайди: *Oʻguz ati...* “келинининг оти” [11: 66]. Ўрта Осиё турк-рун битикларида (ва умуман турк-рун матнларида) аёлларнинг исмлари жуда оз ўринларда айтиб ўтилади: кўп матнларда номсиз оналар, хотинлар, сингиллар, қизлар санаб ўтилади. Аёлнинг номи келтириши одатда унинг жуда юқори мақомга эгалигидан далолат беради (Билга хоқон битиктошидаги Элбилга хотун сингари) *Р. Алимовнинг* талқини анча ишончли ва ҳақиқатга яқинлигини инобатга олиб, бу ўринда дарҳақиқат, бизгача сақланмаган бўлса-да, келиннинг исми ёзилганини, яъни келин оилада алоҳида нуфузга эга бўлганини таъкидлаш мумкин.

Юқоридаги мисолдан ташқари, Ўрта Осиё турк-рун матнлари корпусининг яна икки ёдгорлигида аёл кишининг исми келтирилганини у ёки бу даражада ишонч билан айтиш мумкин. Биринчиси – *Талас-1*: битиктош бағишланган марҳум эркак – *Удуннинг* рафикаси *qatun* “малика” деб аталиши билан бир қаторда, аёлнинг исми ҳам тилга олинган: *Qatuni Yāšīnū anta tuli qalmiṣ* “Хотини Яшину шунда тул қолди”. Таъкидлаб ўтиш жоиз, ушбу матнда аёл кишининг исми яна *Р. Алимовнинг* ўқишида тикланган, ундан олдин матн таржимасини таклиф қилган *С. Малов* бу сатрда аёл исмини кўрмайди лекин “малика” эпитетини кўради: *Qatuni aqīrarında tuli qalmiṣ* “Унинг хотини қайғу ичра тул қолди” [6: 57–60].

Бизга *Р. Алимовнинг* ўқиши анча ишончли ва замонавий кўринмокда. Қолаверса, у тиклаган аёл исми шакли ва этимологиясига кўра мантиқлидир: бизнинг реконструкциямизга кўра, ушбу исм *yaš>yāš* “ёш, яшил” ўзагидан ҳосил қилинган. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқадики, *Удуннинг* “малика”си Яшину ҳам оила жамоасида катта мавқега эга бўлган ёки бирор нуфузли оиладан келин қилиб олиб келинган, шу боис битиктошда у “малика” деб аталган ва ҳатто исми келтирилган.

Аёл исми реконструкция қилинган яна бир Ўрта Осиё ареали турк-рун битиги *Шомирзатена (Марғилон)* ёдгорлигидир. Марғилон шахри яқинидаги Шомирзатена манзилгоҳидан топилган. Фарғона водийсида қайд қилинган аксарият ёзма ўрнаклар сингари, у жуда қисқа бўлиб, хум гардишига туширилган бешта белги ва тамгадан иборат [10: 270–274]. Намунага *И. Кизласов* шубҳа билан қараб, турк-рун битиклари рўйхатида киритмаган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, *И. Кизласовнинг* тадқиқоти 1990-йиллар бошида

чоп этилган. Ҳолбуки, Я. *Харматта* 1988 йилдаёқ ушбу битикнинг ўқилишини муваффақият билан амалга оширган эди.

Барча нашрларда матннинг бирдай ноаниқ чизмаси (1768) келтирилади. Я. Харматта, ундан сўнг эса А. Кубатин матн учун айнан бир хил ўқиш таклиф қилган: *İsim Qanı*. Аммо Я. Харматта бу сўзларни аёлларга тегишли атоқли от деб ҳисобласа [14: 39–41], А. Кубатин унда “Эшим (турмуш ўртоғим) қани” деган ҳайкирикни кўрган [15: 462]. Ғ. Бобоёровга кўра эса, матнни *aşım ât anı* “унга миннатдорлик билдир” деб ўқиш мумкин [5: 571].

Ҳамкасблар билан шахсий суҳбатларда биз матннинг иккинчи сўзи учун *qan* “хон”, *qanı* “қони/қонамоқ”, *qanı* “қоникмоқ” версияларини таклиф қилгандик. Амм ушбу тадқиқотда қўйилган вазифалар бошқалиги учун бу ўринда икки хил ўқиш вариантдан ҳамда ўз тахминларимиздан қай бири тўғрилигини баҳоламай, кўриб чиқиладиган мавзу контекстида қизиқ бўлган версияни – Я. Харматта таклиф қилган талқинни муҳокама қиламиз. А. Кубатиннинг талқини баъзи мулоҳазаларга кўра бизга ишончсизроқдек туюлмоқда. Биринчидан, бу қадар қисқа матнда ушбу лексема *qanı*? сўроқ олмоши маъносида ишлатилганини тўла ишонч билан айтиш учун материал етарли эмас (очиғи, бошқа версияларни ҳам тасдиқлаб бўлмайди). Қолаверса, матн битиктошга эмас, сопол парчасига ўйиб ёзилганини инобатга олиш керак: “хотиним қани?” шаклидаги экспрессив муружаат шакли кўпроқ битиктош матнлари учун характерли.

Иккинчидан, бошқа битикларда кузатишимиз бўйича, *âş/iş* лексемаси “эш, йўлдош, дўст” маъносида қўлланган [4: 185]¹. А. Кубатин таржимасидаги бу муаммони ҳал қилиш учун матн бошида 1 рунаси тушиб қолган деб тахмин қилиш мумкин, шунда матннинг биринчи қисми *işim* эмас, *kişim* “хотиним” деб ўқилиши мумкин. Аммо бундай тахмин қилиш учун асос етарли эмас, қолаверса, биринчи келтирилган мулоҳазада сопол парчасига муружаат формуласи ёзилиши нима сабабдан шубҳали эканини айтиб ўтган эдик.

Шундай қилиб, Я. Харматтанинг ўқиши қабул қилинган тақдирда, Ўрта Осиё турк-рун битикларида фақат уч ўринда аёл кишининг исми тилга олинганини ва бир ўринда бу исм ўчиб кетганини таъкидлаш мумкин.

ХУЛОСА

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- илк ўрта асрлардаги турк жамиятлари кўп соҳаларда эркаклар устунлик қиладиган типик патриархал тузумда яшаган;
- ҳукмрон табақа ва ундан куйироқда турувчи қатламларда аёллар, ўша даврнинг бошқа патриархал жамиятларида кузатилгани каби, тобе ролда бўлган, улар сиёсий никоҳларга ҳамда ижтимоий мақомни ошириш мақсадларига жалб қилинган;
- бу амалиётлар айрим ҳолатларда аёлларнинг ижтимоий ролини ва мавқеини кўтариб юборган, масалан, нуфузли хонадонлардан олинган келинлар катта легитимацион кучга эга бўлган, шу сабаб матнларда, ҳокимият рамзларида турмуш ўртоқлари – вилоят ҳокимлари, ҳукмдорлар билан бир қаторда уларнинг ҳам овози акс этган;
- аёллар кейинги даврга нисбатан маълум эркинлик ва социал мобиллик имкониятларига эга бўлган, уларнинг орасида ҳокимият бошқарувида иштирок этганлари бўлган;

¹ ДТСда ҳам фақат шу маъноси келтирилганига қараганда, мазкур ўзак ҳатто XI асрда ҳам бугунги баъзи туркий тилларда қайд қилинган “турмуш ўртоғи” маъносини касб этмаган.

- туркларда аёлларга мўлжалланган махсус унвонлар – *qatun* ва *qunči*у бўлган. Қадимги туркларда жуда кўп бўлган бошқа унвонлар эса эркакларга берилган;

- турли ҳудудлардан топилган битиктошларда малика бўлмаган аёлларга нисбатан юқоридаги унвонлар қўлланилиши ё маълум мурожаат маданияти бўлганидан, ё бу терминлар эпитет сифатида аёллар нуфузли хонадонга мансублигини билдириш учун ишлатилганидан далолат беради;

- шунга қарамай, йирик монументал битиктошлар ҳам, ўрта қатлам аристократиянинг битиклари ҳам асосан эркакларга бағишланган, кўп ҳолларда уларнинг аёл қариндошлари – оналари, рафиқалари, қизлари, келинлари тилга олинган;

- ғарбий туркларнинг манбаларида аёлларнинг исми жуда кам келтирилади; тахминимизча, бу фақат оилада ёки жамиятда катта нуфузга эга бўлган аёлларнинггина исмлари ёзма ёдгорликларда махсус қайд этилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Асанов Э.Э. Ўрта Осиё турк-рун битикларининг тили. Фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2023.
2. Бобоёров Ғ. Тун ябғу-хоқон. – Тошкент: “Абу матбуот-консалт”, 2011.
3. Бобоёров Ғ. Ғарбий турк хоқонлигининг давлати тузуми. – Тошкент: “Янги нашр”, 2018.
4. Древнетюркский словарь. – Ленинград: “Наука”, 1969.
5. Западный тюркский каганат. Атлас. Коллектив авторов. – Астана: Service Press, 2013.
6. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1959.
7. Махмуд ал-Кашғари. Диван Лугат ат-Турк. – Алматы: “Дайк-Пресс”, 2005.
8. Бабаяров Г., Асанов Э. Печать с надписью «хатун» из Кафир-калы // Согдийский сборник, вып. 8, 2021. С. 67–74.
9. Жуманиёзова Ф. Илк ўрта асрларда Турон хотин-қизлари // Ўзбек хотин-қизларининг давлатчилик тарихимиздаги ўрни ва хизматлари. Конференция материаллари. – Тошкент, 2022. Б. 55–61.
10. Заднепровский Ю.А. Тюркские памятники в Фергане // Советская археология, 1967, №1. С. 270–274.
11. Alimov R. Tanrı Dağı Yazıtları. – Konya: Şelale Ofset, 2014.
12. Aydın E., Alimov R., Yıldırım F. Yenisey – Kırgızistan Yazıtları ve Irk Bitig. – Ankara: BilgeSu, 2013.
13. Tekin, T. Orhon Yazıtları. – İstanbul: Yıldız, 2003.
14. Harmatta J. Doğü Avrupa’da Türk Oyma Yazılı Kitabeler. – Ankara, 1988.
15. Kubatin A. Özbekistan’da Bulunan Bazı Eski Türk Yazıları Üzerine // Ötükenden İstanbul’a. Bildiriler. – İstanbul, 2011. S. 459-471.

08.00.00 – Iqtisodiyot fanlari

08.00.00 – Economics

08.00.00 – Экономика

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ФУНДАМЕНТАЛЬ МАСАЛАЛАРИ

Хайриддинов Ш.Б.

Қарши Давлат университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8347334>

Аннотация: Мазкур мақолада таълим (олий таълим) ресурслардан фойдаланишни ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Олий таълим муассасалари фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган харажатлар катта қисмининг бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланаётганлиги бу маблағларнинг сарфланишига нисбатан алоҳида муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Олий таълимни молиялаштириш икки кўринишда, яъни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва таълим хизматлари кўрсатилишидан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Калит сўзлар: бюджет маблағлари, таълим тизимини молиялаштиришга, давлат бюджети, бюджет харажатлари.

НЕКОТОРЫЕ ПРИНЦИПНЫЕ ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ В ВУЗАХ

Аннотация: В данной статье рассматриваются конкретные аспекты использования образовательных (высших) ресурсов. Тот факт, что большая часть расходов, необходимых для осуществления деятельности высших учебных заведений, покрывается за счет бюджетных средств, требует формирования особых отношений по поводу расходования этих средств. Финансирование высшего образования осуществляется в двух формах: за счет средств государственного бюджета и за счет средств, полученных от оказания образовательных услуг.

Ключевые слова: бюджетные средства, финансирование системы образования, государственный бюджет, расходы бюджета.

SOME PRINCIPLE ISSUES IN THE EFFECTIVE USE OF BUDGET FUNDS IN UNIVERSITIES.

Abstract: This article discusses specific aspects of the use of educational (higher) resources. The fact that most of the expenses necessary for the implementation of the activities of higher education institutions are covered by budgetary funds requires the formation of special relations regarding the expenditure of these funds. Financing of higher education is carried out in two forms: at the expense of the state budget and at the expense of funds received from the provision of educational services.

Keywords: budget funds, financing of the education system, state budget, budget expenditures.

КИРИШ

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг “Янги Ўзбекистон” деб номланган ўзига хос даврида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, жумладан, мавжуд маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Зеро, замонавий бозор иқтисодининг ўзи ҳам шуни талаб қилади. Мавжуд маблағлардан (бу ерда унинг бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар эканлиги принципиал аҳамиятга эга эмас) шундай фойдаланмасдан туриб, кўзланган натижа ёки мақсадларга эришишнинг иложи йўқ. Бу таъкидлар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга (шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам) барабар тегишли. Бир

пайтнинг ўзида, бу нарса, айниқса, бюджет муассасалари учун алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган қисми учун эса маблағларни оқилона ва самарали сарфлашнинг аҳамияти ниҳоятда бекиёсдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мамлакатимизда таркиб топган амалиёт шундан иборатки, таълим тизими ва шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган олий таълимнинг ҳам маълум бир қисми ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Аслида, фақат Ўзбекистондагина шундай тартиб таркиб топмаган. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, таълим (жумладан, олий таълим) тизимини молиялаштиришга кўплаб мамлакатлар алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, охириги йилларда дунёда давлат харажатларининг ўртача 12,0-14,0% таълимга йўналтирилмоқда. Бир пайтнинг ўзида, дунё мамлакатларида олий таълимни молиялаштириш икки кўринишда, яъни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ва таълим хизматлари кўрсатилишидан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Хусусан, Европанинг кўплаб мамлакатларида таълим (жумладан, олий таълим) муассасаларини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобига бўлмоқда. Дунё амалиётига кўра, иқтисодий жихатдан тараққий этган мамлакатларда олий таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағлари устуворлик касб этмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда Австрия, Италия, Франция, Норвегия, Дания ва Швеция каби мамлакатларда бюджет маблағлари олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг манбалари таркибида 90,0%дан кўпроқни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичнинг даражаси Буюк Британия, Португалия, Финляндия, Нидерландия ва Испания каби мамлакатларда эса қарийб 80,0% га тенг бўлиб, буларнинг барчаси олий таълим соҳасида юқоридаги давлатларнинг ҳаммасида фаол сиёсат юргизаётганлигидан даракдир.

Аҳволнинг бундай эканлиги, яъни олий таълим муассасалари фаолиятини амалга оширилиши учун зарур бўлган харажатлар катта қисмининг бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланаётганлиги бу маблағларнинг сарфланишига нисбатан алоҳида муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу, айниқса, ана шу олий таълим муассасалари доирасида сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағларининг оқилона ва самарали сарфланишига тегишлидир. Ўз навбатида, ҳолатнинг бундай эканлиги шу йўналишда қатор илмий изланишларнинг олиб борилишини ҳам талаб қилади.

Жаҳон миқёсида ҳозирги пайтга қадар олий таълим муассасаларида бюджет маблағларининг оқилона ва самарали сарфланиши таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштиришга қаратилган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ҳамон олиб борилмоқда ҳам. Уларда, энг аввало, жаҳонда олий таълим муассасалари даромадларини шакллантиришнинг турли шакллари, хусусан, давлат ёки давлат бюджети маблағлари, таълим хизматларини тижоратлаштиришдан тушадиган маблағлар, ҳомийлик маблағлари, битирувчилар жамғармаси ташкил этилиши шаклида тушадиган маблағлар, илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришдан тушадиган маблағлар ва уларнинг ҳажмини ошириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ана шундай усул ва шаклларда таркиб топтирилган олий таълим муассасалари даромадларини қандай сарфланаётганлиги ҳам бу тадқиқотларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Лекин ҳозирги глобаллашув ва айниқса, жаҳон иқтисодиётининг инновацион ва рақамли ривожланиши шароитида олий таълим муассасаларида, жумладан, бюджет маблағларининг оқилона ва самарали ҳамда бозор иқтисоди принципларига қатъий риоя этган ҳолда сарфланишини

таъминлаш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги маълум бўлмоқда. Шунингдек, бугунги кунда олий таълим тизимида бюджет маблағларини натижага йўналтирилган молиялаштириш усули орқали кенг жорий этиш, илмий-инновацион ишланмаларга харж қилиш йўналишларида такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар ҳам етарлича амалга оширилмаганлиги сезилмоқда.

Бунинг устига, “Янги Ўзбекистон” даврида юртимизда таълимнинг барча босқичларида, жумладан олий таълимда ҳам, туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнги йилларда олий таълим даргоҳларимиз сони 2,5 бараварга ошиб, 200 тага етиб қолди. Унинг қамров даражаси эса 9,0%дан 38,0% етиб бормоқда¹. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қатор вазифалар белгиланмоқда, жумладан, “олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ва истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ҳамда ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш”² каби вазифалар белгиланди.

Бошқа томондан олиб қаралганда, “Янги Ўзбекистон” даврининг ҳозирга қадар давом этган йилларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 - сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”, 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларнинг қабул қилинганлиги ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажариш зарурияти ҳам, ўз навбатида, олий таълим муассасаларида бюджет маблағларининг оқилона, самарали, бозор иқтисоди принциплари ва механизмлари асосида сарфланиши нуқтаи-назаридан махсус илмий тадқиқот олиб боришни ва уларни давом эттиришни тақозо этади.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20 декабрь 2022 йил.

² “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сон.

ХУЛОСА

Бунинг учун, энг аввало, бизнинг назаримизда, ушбу тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида масаланинг: а) олий таълим муассасаларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг ҳукукий асосларини тадқиқ этиш ва хориж тажрибасини ўрганиш; б) олий таълим муассасалари даромадларини таркиб топтиришда бюджет маблағларининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаш; в) қиёсий нуқтаи-назардан таққослаш (баҳолаш) ва тегишли хулосаларни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасалари даромадларини таркиб топтиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг ролини кўрсатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш; г) олий таълим муассасаларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан аргументация қилиш; д) давр талабларига мос равишда муқобил ислохотларни амалга ошириш асосида олий таълим муассасаларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш; е) ва ниҳоят, юқоридагиларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни асослаш билан боғлиқ бўлган жиҳатларига эътибор бермоқ лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молия. Дарслик / Тошкент Молия институти. – Тошкент: 2019. – 882 бет.
2. Malikov T., Haydarov N. Byudjet (tizimi, tuzilmasi, jarayoni). O'quv qo'llanma. - T.: Iqtisod-moliya, 2008. 25-30 b Vahobov A., Malikov T. Moliya:darslik. – T.: Noshir, 2011. – 712 b.
3. Финанси: учебник для бакалавров / Подред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-еизд., перераб. идоп.–М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
4. Нешиной А. С. Бюджетная система Российской Федерации: учебник. – 10-еизд., испр. идоп. –М.: Издательско торговая корпорация «ДашковиК», 2012. – 336 с. 3 б.

10.00.00 – Filologiya fanlari

10.00.00 – Philology

10.00.00 – Филология

ABDURAHMON JOMIY IJODIDA SHAXS KAMOLATI

A.Barotov

Chirchiq davlat pedagogika universiteti 4-kurs talabasi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8428452>

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'zining yuksak mazmunli asarlari bilan minglab muxlislari qalbidan joy olgan o'rta asrlarning buyuk shoiri va mutafakkirlari Abdurahmon jomiy ijodida "shaxs kamoloti" va komil insonni tarbiyalash g'oyasi shoirning ijod namunalari asosida tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, adabiyot, Samarqand, "Haft avrang", "Bahoriston"

ABDURAHMAN PERFECTION OF PERSONALITY IN SOCIAL WORK

Abstract: In this article, the great poet and thinker of the Middle Ages, Abdurrahman Jami, who has won the hearts of thousands of fans with his highly meaningful works, analyzes the idea of "personal perfection" and educating a perfect person based on the examples of the poet's work.

Key words: Abdurrahman Jami, Alisher Navoi, literature, Samarkand, "Haft Avrang", "Bahoristan"

АБДУРАХМАН СОВЕРШЕНСТВО ЛИЧНОСТИ В СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЕ

Аннотация: В данной статье великий поэт и мыслитель Средневековья Абдуррахман Джами, завоевавший сердца тысяч поклонников своими многозначительными произведениями, анализирует идею «личностного совершенства» и воспитания совершенного человека на основе на примерах творчества поэта.

Ключевые слова: Абдурахман Джами, Алишер Навои, литература, Самарканд, «Хафт Авранг», «Бахористан».

KIRISH

Ta'kidlash joizki, ikki buyuk mutafakkir – tojik shoiri Abdurahmon Jomiy va o'zbek shoiri Alisher Navoiy ijodini o'rganish tojik va o'zbek xalqlari do'stligi timsoli sifatida yuksak ma'naviyatli shaxsni shakllantirishga xizmat qiladi. Bu ikki buyuk fan va adabiyot namoyandalarining adabiy faoliyati, ijodi bugungi avlod uchun ibratdir. Abdurahmon Jomiy o'zining yuksak mazmunli asarlari bilan minglab muxlislari qalbidan joy olgan o'rta asrlarning buyuk shoir va mutafakkirlaridan biridir. Jomiy ijodi o'zidan oldingilar ijodining o'ziga xos jamlanmasidir.

Abdurahmon Jomiy hayoti, faoliyati va adabiy merosiga respublika va xorijda ko'plab ilmiy maqolalar, monografiyalar, asarlar bag'ishlangan. Ayniqsa, olimlar A. Afsahzod, I. Batyanov, A.N.Boldirev, I.N.Beryozin, I.S.Braginskiy, J. Bobokalonova, V. Derjavin, I. X. Karimova, F. Hadizoda va boshqalar o'z asarlarida shoirning adabiy merosini tadqiq qildilar. Bugun ham shoirning bebaho asarlari har doimgidek dunyo ahlining e'tiborini tortadi, chunki Abdurahmoni Jomiy o'z hayotligida ham yetuk fan va adabiyot arbobi, olim, qomusiy olim va buyuk mutafakkir, ma'naviyat ustoz sifatida alohida obro' va shon-sharafga ega edi.

ASOSIY QISM

Nuriddin Abdurrahmoniy Jomiy 1414 yilda Xurosonning Jomiy viloyatida tug'ilgan. Jomiyning otasi va bobosi fazilatli, bilimdon kishilar edi. Jomiy to'rt yoshidan maktabga boradi. 11 yoshida ularning oilasi Hirot shahriga ko'chib o'tadi. Jomiy Hirot va Samarqand madrasalarida tahsil olib, o'z davrining aksariyat ilmlarini o'rgangan, olim, qomusiy, shoir va buyuk mutafakkir

sifatida shuhrat qozongan. Abdurahmoni Jomiy 1492-yilda Hirot shahrida vafot etgan, qabri shoir asarlarini minglab muxlislarining ziyoratgohidir.

Abdurahmoni Jomiy kelajak avlodlar uchun boy va qimmatli meros qoldirdi. Shoir ijodi qasida, gʻazal, hikoyat va boshqa asarlardan iborat. Ayniqsa, lirik va axloqiy janrlar yaratishda Jomiy oʻziga xos isteʼdodga ega edi. “Haft avrang” asari uning eng yirik badiiy asari hisoblanib, Nizomiy Ganjaviy va Amir Xusravi Dehlaviyning “Xamsa”sidan keyin yozilgan va bu bilan shoir “Xamsa” hikoyalari sonini 7 taga yetkazgan. «Haft avrang» «Silsilat-uz-zahab», «Sulaymon va Absol», “Tuhfat-ul-ahror”, “Sabhat-ul-abror”, “Yusuf va Zulayho”, “Layli va Majnun” va “Iskandariy hikmat” kabi asarlari ezgulik, olijanoblik, pok muhabbat, adolat va yuksak insoniy axloqni targʻib etishga bagʻishlangan.

Abdurahmon Jomiy ijodi va jahon adabiyotida “Bahoriston” maʼrifiy asari alohida oʻrin tutadi. Saʼdiy Sheroziyning “Guliston” uslubida yozilgan. Asar til va ifoda uslubi jihatidan juda sodda boʻlib, X asr nasrining yorqin namunasi sanaladi. “Bahoriston” sakkiz bobdan iborat boʻlib, har bir bob kichik axloqiy hikoyalarni oʻz ichiga oladi. Donishmandlar hikoyalari, buyuklarning nasihat va hikmatlari, adolati, ezgu insoniy axloqi asarning asosiy mavzularini tashkil etadi. Olimlarning fikricha, bu asar birinchi navbatda A. Jomiy tomonidan oʻgʻlining tarbiyasi uchun yaratilgan boʻlib, adib bu asarida tarbiya mavzusida qimmatli fikr va mulohazalarni bildirgan.

Abdurahmoni Jomiy “Bahoriston” turkum hikoyalarida ilm-fanning jamiyat taraqqiyotidagi ahamiyatini koʻrsatib, ilmning cheksiz dengiz ekanligini, uning shoxlari koʻp ekanligini taʼkidlaydi. Shoirning fikricha, inson oʻta zarur boʻlgan ilmni toʻliq oʻrganishi kerak. Bundan tashqari, inson oʻrgangan ilmni amalda qoʻllashi kerak.

Shunisi qiziqki, shoir “Bahoriston” asarida oltinchi bobda bir latifani tilga oladi, bu latifaning maʼno va mazmuni kelajakda professional shifokor boʻlishi kerak boʻlgan tibbiyot talabalari uchun katta ahamiyatga ega. Bu hikoya satirik tarzda yaratilgan boʻlib, oʻsha davr tabiblarining bilimsizligining salbiy oqibatlari haqida hikoya qiladi.

Yuqorida aytib oʻtganimizdek, A. Jomiy “Oʻlikdan uyalaman” latifasida oʻz davri tabiblarining bilimsizligi, tajribasizligi va boshqa xususiyatlarini tanqid qiladi. Bunday nodon tabiblar qoʻlidan koʻp odamlarning halok boʻlganini shoir nafrat bilan yozgan. Jomiy ushbu latifaning oxiriga muallifning oʻz davri tabiblari haqidagi fikrini umumlashtiruvchi bayt qoʻshgan. Xalq latifasi bilan Jomiy oʻrtasida til jihatidan unchalik farq yoʻq.

Masalan, Jomiy versiyasidagi latifa:

“Ular qabristonga borganingizda boshingizga niqob kiyib olgan tabibni koʻrishdi. Sababini soʻradilar. U aytdi: Bu oʻliklardan uyalaman, chunki, hammasi men bergan dorini ichib oʻlgan.

XULOSA

Muallif ushbu hikoyasida sogʻayib ketish umidida yoniga kelgan bemorga birinchi yordam koʻrsata olmaydigan, yaʼni kasbiy mahorati yoʻq, masʼuliyatsiz, layoqatsiz shifokorni kinoya bilan tasvirlaydi. Parchani oʻqib chiqqach, kelajakda shifokor boʻlmoqchi boʻlgan talaba masʼuliyatli va yuqori malakali shifokor boʻlishi uchun yaxshi kasbiy bilim va koʻnikmalarga ega boʻlishi kerak degan xulosaga keladi. Umuman olganda, “Bahoriston” asari XV asrdagi mehnatkash xalqdan tortib podshohgacha boʻlgan barcha tabaqa kishilarining xarakterini ifodalagan, anʼana va urf-odatlarini oʻzida mujassam etgan ensiklopediyadir.

Abdurahmon Jomiy oʻz davrining buyuk insonparvari boʻlib, hunarmand, dehqon, sanʼat namoyondasi kabi oddiy insonlarning muhabbatini himoyachi, ustoz va chinakam doʻst oʻrnida qozona olgan. Abdurahmon Jomiy hayotligida omma eʼtirofini qozongan, jamiyat, ilm-fan, falsafa, sanʼat, shoirona soʻzlash mahoratida baobroʻ inson boʻlgan. Bularning barchasiga buyuk

